



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (13.604)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИНГ НИГОҲИДА

Ўтган йил Ўзбекистон тарихида алоҳида давр бўлиб қолди. Чунки 2017 йил “ёрқин”, “тарихий”, “мамлакатда биринчи марта”, дея таърифланган кўпгина муҳим воқеаларни қамраб олди. Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ана шундай фикрларни билдирдилар.

Нобуаки Ито, Япониянинг Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган вақтдан буён Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда салмоқли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди.

Шу ҳам эътиборга сазоворки, ўтган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Президентнинг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилган фуқароларнинг масалалари ўз ечимини топди. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамоатчилик томонидан муҳокама этилганидан сўнг қабул қилинган иқтисодий ҳаётга таъсирдорлиги бўлиб қолди. Бу ўзбекистондаги бизнес муҳитини яхшилаш нуктаи назаридан кўпгина хорижий инвесторлар, шу жумладан, япон сармоядорлари учун ҳам узоқ кутилган ислохот бўлди. Шу боис мамлакатимиз бу қарорни олқийлайди. Умуман, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган барча янгиланишлар ижобий баҳога лойиқдир.

2017 йили Ўзбекистон дипломатияси фаоллигини сезиларли даражада кўчатибди. Шу ўринда республиканинг минтақадаги қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистон билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича олиб борган саяё-ҳаракатларнинг самарадорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё барқарорлиги нуктаи назаридан фавқуллода муҳимдир. Токио ўз томонидан “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида минтақа раванакига ҳисса қўймоқда.

Дўст Ўзбекистон раҳбариятининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинган 2018 йилга мўлжалланган режалари ҳақида ҳам қисқача тўхталишни истар эдим. Дарҳақиқат, тадбиркорликдаги халқаро рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда инновация ва технологиялар мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат ундабурон ва замонавий фикрлайдиган ёш авлодга эгаллиги Ўзбекистоннинг афзалликларида биридир.

Республика ўз имкониятларини ҳамда яратувчанлик ғояларини ҳаётга татбиқ этишга шубҳа йўқ.

Сунъ Лицзе, Хитой Халқ Республикасининг Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— 2017 йилни ҳеч муболағасиз Ўзбекистон учун давлат қурилишидаги жадал тараққиёт ва катта фаровонлик даври, деб аташ мумкин. Бу йил эзгу ибтидолар ва узоқни қўзлаган янгиланишларга бой бўлиб, республиканинг ҳар томонлама ривожланишига сезиларли даражада қўмақлашди.

Муҳим ўзгаришлар орасида давлат бошқарувидаги ислохотлар, ҳукумат ва халқ ўртасида очик мулоқотнинг йўлга қўйилгани, валюта сиёсатидаги ўзгаришлар, сармоявий муҳитнинг яхшиланиши, суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллашуви ва, албатта, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши ажralиб туради. Ўзбекистон ташқи дунё учун янада очик давлат бўлгани баробарида халқаро майдонда мамлакатнинг ишончли овози кенг тарқалди. Ҳамма жойда халқнинг келажака бўлган некинлиги ва ишончли хис этиш мумкин. Буларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қисқа давр оралиғида эришилган муваффақиятларнинг натижалари ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларининг туман кенгашлари биринчи сессияларини чакриш тўғрисида қарорлари қабул қилинди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларининг қабул қилган қарорларига асосан туман Кенгашларининг биринчи сессияларида бўлиб ўтган сайлов яқунлари ва сайланган депутатларнинг ваколатларини

эътироф этиш, туман Кенгашларининг Регламентини ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, туман Кенгаши сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш, туман Кенгашларининг доимий комиссияларини тузиш ва таркибини тасдиқлаш ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Қуйда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларининг қабул қилган қарорларига асосан биринчи ташкилий сессияларини ўтказиш жадвали эълон қилинмоқда.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Менинг армиям – менинг фахрим” ижодий кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



МЕНИНГ АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар давлат музейи ва Бадий академия ҳамкорлигида анъанавий тарзда ташкил этилаётган мазкур тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар, расомлар, фото санъати усталари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридинов, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейи директори М.Нуридинов ва бошқалар мамлакатимиз суверенитети ва чегараларимиз дахлсизлигининг қафолати бўлган миллий армиямизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар она заминимиз тинчлиги ва осийишталлигини таъминлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Миллий армиямиз мустақамлиги осяда ҳаётимиз гаровидир. Шу сабабли бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг асосий мақсоди миллий армия ва Ватанимиз ҳимоячилари ҳаётини фото, тасвир ва амалий санъатда намоиш этиш орқали ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини

уйғотишга қаратилгани билан муҳимдир. Бу галги танловга фотография, фотоколлаж, кўргазмали тарбиёт плакати, панно ҳамда рангтасвир, графика, миниатюра йўналишлари бўйича муаллифларнинг эллика яқин ижодий иши ва саксонга фотоасари тақдим этилди.

— Бугун кўргазма залларида танлов иштирокчиларининг ҳавола этилаётган ижодий ишлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаолиятига бағишлангани билан киши эътиборини тортади, — дейди Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Олег Зокиров. — Чўки уларда ҳарбий ҳаёт акс эттирилган. Миллий армиямизда хизмат қилиб, Ватанни ҳимоя қилиш эса ўсиб-ўлғаяётган ҳар бир фарзанднинг шарафли бурчи ва орзусидир. Бу каби тадбирлар улар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий армиямиз ва ҳарбий хизматчиларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фотография, фотоколлаж, кўргазмали тарбиёт плакати, панно йўналиши бўйича майор Маъмурхон Турғунов биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Иккинчи

ва учинчи ўринларга фотографиялар Баҳром Абдурахимов ва Амина Зокирова сазовор бўлди.

Танловнинг рангтасвир, графика, миниатюра йўналишида биринчи ўрин ёш ижодкор Мирвоҳид Мирсаидовга насиб этди. Иккинчи ўринни Ҳасан Эгамбердиев, учинчи ўринни Муассар Собирова эгаллади.

— Ҳарбий мавзуда ишлаш мен учун жуда қизиқарли, — дейди ёш рангтасвирчи М.Мирсаидов. — Республика расомлик коллежида ўқувчилик қилман. Гарчи расом бўлсам-да, она юртимизга бўлган меҳримни Ватан ҳимоячилари ҳаёти фойда этилган ишларим орқали намоён этганимдан чексиз фахрдман. Танлов ғолиби бўлгани менни бу соҳада яна жиддий изланишларга ундайди.

Ғолиблар ва танловнинг фаол иштирокчилари ташкилотчиларнинг диплом ва саздалик совғалари билан тақдирланди.

Ватан, тинчлик, садоқат, жасорат, мардлик ва қаҳрамонлиқни тараннум этган куй-қўшиқлар тадбирга байрамона шухуқ бағишлади.

Насиба ЗИЕДУЛЛАЕВА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқаро пресс-клубнинг 2018 йилдаги биринчи сессияси “Бюджет 2018: халқ манфаатлари, аниқ кўрсаткичлар ва янги ёндашувлар” мавзунда бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Молия, Адлия, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоҳра ер эгалари кенгаши, Тараққиёт стратегияси маркази, олий таълим муассасалари вакиллари, фермерлар, томоҳра ер эгалари, миллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси М.Жумагаддиев, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Б.Тоқиев, иқтисодий вазирнинг биринчи ўринбосари М.Мирзаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Н.Норбоев, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоҳра ер эгалари кенгаши раиси Б.Юсупов мавзу юзасидан маълумот берди.

Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз бюджет маблағларини шакллантириш, солиқ тизимини такомиллаштиришда ошкоралиқни таъминлашга доир ўринли кўрсатмалар берилган эди.

Тадбирда 2018 йилги давлат бюджетини шакллантиришда бу жихатлар алоҳида инобатга олингани қайд этилди.

Жорий йилдан эътиборан, Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилган вазирликларда Аудит ва молиявий назорат бошқармалари ташкил қилинди. Эндигида мазкур бошқармалар бюджетдан ажратилган маблағларни назорат қилиб боради.

Яна бир муҳим ўзгариш давлат бюджетининг қуйидан юқорига қараб шаклланишида қўзғаланади. Авваллари республикадаги туризм туманлари ва вилоятлар бюджети тасдиқланган бўлса, жорий йилдан бу тизим тубдан ўзгарди. Унга қара, дастлаб туман маҳаллий бюджети, сўнгра вилоят ва нихоят давлат бюджетини шакллантириш тизимига ўтди. Худудий бошқарув органларининг бюджет маблағларини шакллантиришда солиқ, молия ва иқтисодий соҳалари органларининг масъулияти оширилди. Яъни бу органлар туман имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бюджетни шакллантириш учун тақлифлар беради. Маҳаллий Кенгаш де-

путатлари маҳаллий бюджетнинг сарфланиши ҳақида ҳар чоракда ҳисобот қабул қилади. Натижалар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

Тадбирда давлат бюджетининг шаклланиши манбалари ҳақида маълумот берилди. Таъкидланишича, мамлакатимизда давлат бюджетининг асосий манба солиқлардан келиб тушадиган даромаддир. Биргина 2017 йил маълумотлари таҳлили давлат бюджетининг 76 фоизи солиқлардан шаклланишини кўрсатмоқда. Уларнинг энг катта улуши жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ҳисобланади.

Спикерлар 2018 йилда ижтимоий соҳага 34,7 триллион сўм, қабул қилинган Давлат дастурларини амалга ошириш учун 8,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилаётганини маълум қилди. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий ўрнатилган солиқ ставкаларини ўртача 30 фоизга пасайтириш назарда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш имконини беради.

Маълумки, 2018 йилда фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича Дастур сенаторлар томонидан Олий Мажлис Сенатининг 2017 йил 20-21 декабрь кўнлари бўлиб ўтган ўн учинчи япни мажлисида маълумланган эди. Шу кўнларда ушбу муҳим ҳўжатнинг мазмун-муҳитини аҳолига кенг тушултириш бўйича ишлар олий бирилмоқда.

Тадбирда 2018 йилда мамлакатимиз бўйича 21 минг 634 фермер ҳўжалигида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйишга қаратилган 23 мингга яқин лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилаётгани таъкидланди. Хусусан, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари томонидан 7,4 минг гектар ерда интенсив боғлар, 4,3 минг гектарда янги тоқзорлар ва 844 гектарда иссиқхоналар ташкил этилади.

Халқаро пресс-клуб сессиясида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Улугбек АСРОРОВ,
За мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Аскар оналарини шарафлаймиз!” шiori остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз мустақиллигини асраш, юртимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли қалқонига айланган Қуролли Кучларимиз салоҳияти юксалиб, у ёшлар учун ҳарбий-ватанпарварлик мактаби вазифасини ўтаётгани таъкидланди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳудудда тадбиркорлиқни ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун бунёд этилган 48 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли хизмат уйи фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари учун уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги Қарори асосида сифатли бунёд этилган янги уйларда ҳарбийларнинг oilаси хотиржамлигини ўйлаб яратилган имкониятлар юрт тинчлиги учун хизмат қилишда муҳим омилдир.

● “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган кўргазмали семинар доирасида Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашув ўтказилди. Семинарда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди ходимлар томонидан жавоб берилди. Иштирокчиларни ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланди. Уларни ҳал этиш бўйича амалий тақлифлар билдирилди.

● Урганчда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижросига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари масъуллари, депутатлик гуруҳи раҳбарлари ва аъзолари, вилоят прокуратураси ходимлари, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Краковдан парвоз қилган самолётда юзага келган носозлик – олди гилдирак шассилари очилмагани сабабли уни Польша пойтахти Варшава шаҳри аэропортига қўндириш жараёни жуда оғир кечди – фақат учувчиларнинг бой тажрибаси ва катта маҳорати туфайлигина самолёт эсон-омон қўниб, барча 63 нафар йўловчи ўз манзилига етиб олди. Самолётнинг фавқуллода вазиятда қўнишининг ташкил этилиши боис аэропорт бир неча соат давомида ишламади.

● АҚШнинг барча ҳудудларига мамлакатда ўрнашиб олган ноқонуний муҳожирларга қарши кенг қўламдаги операция амалга оширилди.

● Сахалинда икки кун давомидаги кучли қор бўрони натижасида юзага келган муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, бу ерда электр узатиш тизимлари фаолияти тўлиқ тикланди, аэропорт ва паромлар қатнови йўлга қўйилди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ШАРАФЛИ БУРЧ

Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусов тумани бўлими, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Ўзбекистон – ягона Ватаним, миллий армиям – фахрим, таянчим” шiori остида ташкил этилган тадбирга профессор-ўқитувчилар, ҳарбий хизматчилар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шoirлар, санъаткорлар, талаба-ёшлар тақдирлари қўшилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тинчлик ҳамда барқарорликни ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий талабларга жавоб берадиган, ихчам, моддий-техник базаси тўқдан янгиланган, юксак жанговар руҳга эга миллий армиямиз барпо этилгани, ҳарбийларимиз Ватан ҳимоясидек юксак масъулиятни муносиб адо этаётгани кайд этилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта қўнрагимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, қадрига етиш, мустақиллигимизни ҳалол

ва фидойи меҳнат билан мустаҳкамлаш нафақат ҳарбийлар, балки юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг азалий бурчи эканлиги таъкидланди.

– Ўз касбига садоқатли ҳарбийларимизнинг машаққатли меҳнати эътироф этиш, шу билан бирга навқирон авлодда ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашда бу каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эга, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусов тумани бўлими раҳбари Алишер Маҳамов. – Шу боис таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, турли қорхона ва ташкилотларда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларга жамоатчилик, нурунийлар, ҳарбийлар билан бирга ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбирда санъаткорлар томонидан Ватан, тинчлик, жасорат ва ошани улғувчи куй-қўшиқлар янгради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан “Мардлар қўриқлайди Ватани” мавзuida маънавий-маърифий йўқлов тадбири ташкил этилди.

ЮРТ УНУТМАЙДИ
МАРД ЎҒЛОНИНИ

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад юрт тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатган ҳамда хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларига таширф буюриб, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, муаммоларини ўрганиш, ҳарбий хизматчиларнинг Ватан равақи йўлида олиб бораётган эзгу ишларини, мардонавор хизматларини эътироф этиш, улар меҳнати ва ютуқларини ёш авлодга ўрнак ва намуна қилиб кўрсатишдан иборатдир.

Тадбир иштирокчилари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, Ватан

ҳимояси йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчилар – Баҳром Жўраев, Зухриддин Сотикўлов ва Мухторжон Бозоровнинг хотирасини ёд этди, фарзандлари ҳолидан хабар олди.

Йўқлов тадбирида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилиб, ҳарбий хизматчиларнинг она Ватани асраш йўлида кўрсатаётган жасорати эътироф этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗА

2018 ЙИЛ: СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

“Ўзэкспомарказ” биносида Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сисёатининг 2018 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўргазмали семинар ташкил этилди.

Барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тўловлари соҳасида ҳам аҳоли ва тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси, барча соҳаларда тўловларини амалга ошириш орқали ҳалқимизга замона талабига жавоб берадиган турмуш шароити яратишни таъминлашга қаратилганини таъкидлашди. Бинобарин, 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам солиқ сисёатини амалга ошириш, барча бизнес тоифалари учун солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ юкни камайтириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарурлиги кайд этилди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган солиқ юкни камайтириш, солиқ маъмуричилигининг самарадорлигини ошириш борасидаги талаблар 2018 йилнинг солиқ-бюджет сисёатидида ҳам ўз ифодасини топади.

Хусусан, 2017 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Солиқ ва бюджет сисёатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан 3 та қонунга, хусусан Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги таъкидланди.

– Асосий ўзгаришлар ҳақида айтганда, – дейди Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори Комил Саидов, – 2018 йил 1 январдан бошлаб фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилиб, солиқ ставкаси 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз қилиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар, ягона тўлов турига – давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштирилди ва умумий солиқ ставкаси 3,5 фоиздан 3,2 фоизгача пасайтирилди.

Ягона солиқ тўлови бўйича 2017 йилдаги солиқ ставкалари сақлаб қолинди ҳамда тайёрлов ташкилотлари фаолияти улғуржи савдога тенглаштирилди ва солиқ ставкаси товар айланмасидан 4 фоиз микдоридида белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоиз қилиб белгиланди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси 1 фоиздан 2 фоизга оширилди.

Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг кадастр қийматидан ҳисобланиши жорий этилиб, солиқнинг асосий ставкаси 1,7 фоиздан 0,2 фоиз пасайтирилди ва солиқ ҳисоблашда кадастр қиймати 42 млн. сўмдан кам бўлмаслиги белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъму-

риятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан белгиланган меъёрларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун билан 5 та қонунга, Солиқ кодексининг 16 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда 7 та янги модда киритилди. Бу янгиланган бири тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Солиқ кодекси солиқ тўловчиларга солиқ солишга доир масалаларни ҳал қилишда ҳар томонлама кўмак бериш орқали улар ва солиқ органлари ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинуви н назарда тутадиган солиқ мониторинги жорий этилишини белгиллаб берувчи янги Солиқ мониторинги боби билан тўлдирилди. Бу ўз навбатида, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ мунозарали масалаларни тезда ҳал қилиш, пеня ва жарималар ёзилиши туфайли молиявий аҳолининг ёмонлашувига олиб келадиган вазиятларни бартараф этиш имконини беради.

Шу билан бирга Солиқ кодексининг 54, 55 ва 354-моддаларига вақтинчалик молиявий қийинчиликларга учраган солиқ тўловчиларга – ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш тартибини белгилловчи ўзгаришлар киритилди.

Бундай солиқ тўловчилар охириги икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб айти вақтида вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дўч келган солиқ тўловчилар ҳисобланиб, солиқ таътиллари тегишли қарор қабул қилинган кўндан эътиборан йилгирма тўрт ойгача бўлган муддатга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, солиқ мажбуриятларини бажариш муддатларини ўзгариш кўринишида тақдим этилади.

Якка тартибдаги тадбиркор макомини йўқотган ва муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши натижасида юзга келган солиқ қарздорлигига эга бўлган фуқароларга – жисмоний шахсларга банкротлик қўлланилиши белгиланиб, бу борада Фуқаролик кодексининг 26-моддасига, Солиқ кодексининг 62-моддасига ҳамда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идоралар масъул ходимлари иштирок этган кўргазмали семинарда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакилларининг барча саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Кўргазмали семинарда намуна кўрсатиб, фаолияти давомидида солиқларни ўз вақтида тўлаб келаётган, қонунга итоаткор бир гуруҳ жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, солиқ қонунчилигидаги янгиланган тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишдаги фаоллиги учун оммавий ахборот воситалари вакилларига Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ
2018 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда); 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сисёатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ҚК-241-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ҚК-3454-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджет-ти даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 261/29-5-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги ЖК/20-01-34-11/400-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ҚК-3454-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги 261/29-5-сонли қарори билан қабул қилинган Тошкент шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджетни ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:
Тошкент шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджет-ти асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджет-ларининг 2018 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар микдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджет-ларининг 2018 йил учун бюджет параметрлари 4-15-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига ўрнатилган тартибда тегишли маҳаллий бюджет-ларга маблағлар ва бюджет сусалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг микдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан шунингдек, иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг билдирिशномасига кўра, бюджетнинг харажат қисмига ўзгаришлар киритишига рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига joyлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кўндан эътиборан қўчга қиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2018 йил 4 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
ЭЛЧИЛАРИНИНГ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўлга киритилган муваффақиятлар билан қифояла-ниб қолмасдан, республика давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантириш учун янги имкониятлар изламоқда. 2018 йил мамлакатда “Фаол тадбиркор-лик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қув-ватлаш йили”, деб эълон қилинган ғоят муҳим қарор бўлди. Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда ил-мий-техникавий ишларни рағбатлантириш юзасидан қатор чора-тадбирларни қўриш ташаббуслари илгари су-рилди. Ишончим комилки, халқнинг ўзаро жипсликда ва ҳормай-толмай меҳнати натижаси ўларок, Ўзбеки-стон учун янада кенг ва аjoyиб истибқол очилмоқда.

Ўтган йил Хитой – Ўзбекистон алоқаларининг кен-гайиши нуктаи назаридан ҳам “серхосил” бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Респу-бликасига буюрган давлат таширфи ҳамда мамлакатин-гиз раҳбарининг “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳам-корлик анжуманида иштирок этгани муҳим воқеалар сирасига қиради. Олий даражадаги музокаралар чоғи-да қатор муҳим қелишуларга эришилди, улар мамла-катларимиз ҳамкорлигининг янада ривожланиши йўна-лишларини белгилаб берди.

Хитой – Ўзбекистон дўстлиги самияти, ўзаро ишонч, жипслик ва бир-бирига кўмак кўрсатиши ўзида му-жассам этган. Хитой томони 2018 йилда ҳам Ўзбек дўстларимиз билан биргаликда қелишуларни амалга ошириши давом эттиришга, ўзаро манфаатли ҳамко-рликни улғусиқ чўқурлаштириш ва сисёий мувофиқ-ликни мустаҳкамлашга тайёрдир.

“Жаҳон” АА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 750
МИНГДАН ЗИЁД ОИЛАНING
АҲВОЛИ ЎРГАНИЛДИ

Пойтахтимизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгашининг 2017 йил фаолияти яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.Жавлонов, Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари У.Нарзуллаев ва бош-қалар мамлакатимизда маҳалла институтини ҳалқчил тузилма сифатида шаклланиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўллами ислохотларда фаол иштирок этаётгани, Президенти-мизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-вожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат-лар стратегиясини бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

Ушбу ҳужжатларда маҳалла институтини янада ривож-лантириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белги-ланган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилишда ўтган даврда беш юздан ортиқ маҳалла фу-қаролар йиғинида жамоатчилик асосида фаолият юритади-ган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар лавозимга тайинлангани кайд этилди. Ма-ҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 754 минг 292 оила ўрганилди. Ўрганиш давомида 16 минг 470 фуқа-рога тиббий ёрдам кўрсатилиб, 2 минг 249 нафар фуқаро иш билан таъминланди, 936 оилда турли тушунмовчилик-ларнинг олди олинди. 526 оилга моддий ёрдам кўрсатил-ди, 634 нафар ёшлар ўқишга жалб этилди, эрта никоҳ ҳолатларига барҳам берилди.

Фуқаролар йиғинларининг Яраштириш комиссияси сай-ҳаракати билан 35 мингдан зиёд оилалардаги ажралиш-нинг олди олинди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш, соғлиғини тиклаш ва якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда табиий офатдан жабр кўрган 550 нафар фуқаро учун жами 220 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

88 фуқаролар йиғинлари замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмаси билан таъминланди. 12 маҳал-ла фуқаролар йиғини бинолари таъмирланди ва реконст-рукция қилинди, Бектемир туманидаги “Миришкор”, Миро-бод туманидаги “Темирийўлчи” маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилди. Шунингдек, ҳомийлар томони-дан 31 намунавий лойиҳа асосида замонавий ва хавфсиз болалар майдончалари ҳамда 54 “Ўзаллик саломи” қури-либ, фойдаланишга топширилди.

ЎЗА

Соғлом бола соғлом ва аҳил оила меваси бўлиб, фақат соғлом онадангина соғлом авлод дунёга келади.

Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун зарур шароит яратилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизими-ни такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, яхлит тизим шаклини олди. Жойлардаги замонавий тиббиёт марказлари, таълим муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғсаломат дунёга келишини истайди. Соғлом бола ота-она бахти, юрт таяни бўлиб, оила мустақамлигини таъминлайди. Бироқ баъзан узоқ кутилган "меҳмон" бирор нуксон билан туғилади. Бу эса кўплаб ижтимоий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай нохуш вазиятларнинг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаб, ногирон болалар туғилишини камайтириш мақсадида юртимизда скрининг марказлари фаолият юритиб келмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 25 декабрдаги "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, 2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури – "Она ва бола скрининг" марказларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, туғма ва ирсий касалликларнинг бирламчи профилактикаси бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, ирсий касалликларга чалинган беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

2013-2017 йилларда ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида "Она ва бола скрининг" марказлари биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар, чақалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига таъхис қилиш учун юқори технологияли анализаторлар – тандем масс-спектрометрлар билан жиҳозланди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 1,1 миллиондан ортиқ

ҳомилалар аёл текширувдан ўтказилди. Бу ривожланишида туғма нуксони бўлган 21 мингдан ортиқ бола туғилишининг олдини олиш имконини берди.

Бироқ шунга қарамай, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш-таъхис қўйиш тадбирлари, айниқса, қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болалар соғлиги ҳолати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон амалиётига мувофиқ туғуққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ирсий касалликлар келиб чиқишига кизларнинг балоғат ёшига етмай турмуш қуриши, туғиш ёшидаги аёлларнинг тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтмаслиги, экстрагенитал касаллигига чалинганларнинг фарзанд кўриши, туғ-



рий этиш дастурининг асосий устувор йўналишларидан биридир.

Давлат дастурида белгиланган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва халқаро молия-

туғма нуксони бўлган болалар операция қилиниб, соғломлаштирилди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан 8 турдаги 58 минг дона буклет чоп этилди. Аҳоли ўртасида соғлом оилани шакллантиришга қаратилган 5113 учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Мазкур тадбирларга 117 минг нафар бола ва ўсмир қамраб олиниб, уларга 71 минг дона буклет тарқатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 декабрдаги "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида" ги Қарори мамлакатимизда келажақ авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Халқимиз ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини яхши англайди. Чунки ҳар бир оила туғилажак фарзандининг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлишини хоҳлайди. Албатта, бу ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар томонлама баркамол фарзанднинг дунёга келиши ўз вақтида ўтказиладиган тиббий кўрикларга бог-лик.

Мазкур Давлат дастурида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш борасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди иштирокига қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Устувор мақсади оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлган фонд бундан кейин ҳам миллат генофондини мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшаверади.

С. ИНОМОВА,
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ ГЕНОФОНД – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

руқлар ўртасидаги оралиққа риоя этмаслик каби омиллар ҳам сабаб бўлаётир.

"Она ва бола скрининг" марказларини юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи бўюлар, ре-агентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳомилаларнинг дастлабки уч ойида аёлларнинг марказий кўп тармокли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий текшириш ва хавф гуруҳига кирадиган ҳомилалар доирасида генетик синдромларни биокимёвий текширишни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилаларда туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларга барвақт таъхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, ҳомилалар ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромлар диагностикасида лаборатория диагностикасининг замонавий усуллари, жумладан, ситогенетик ва моле-

вий ташкилотлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Юртимизда она ва бола саломатлиги муҳофазаси нақадар муҳимлиги назарда тутилган ҳолда, скрининг марказлари босқичли тарзда қабул қилиниб келаётган Давлат дастури асосида моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириб боришмоқда. Айни пайтда бу борадаги ишларга замонавий ультратовуш таъхис ускуналари ёрдамида ҳомиласи 10-14 ҳафталик бўлган барча аёллар оммавий текширувдан ўтказилаётган туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари жалб қилинган.

2017 йилда юртимиз клиникаларида лаб-тангалли нуксони, ортопедик ва кўйиш асоратлари бўлган 544 нафар бола операция қилиниб, соғломлаштирилди. Шунингдек, Германия, Ҳиндистон ва Жанубий Кореяда 44 нафар бола операция қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 184 нафар юрак-

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган нормаларни аниқлаш мақсадида уларнинг таҳлилини амалга оширади.

Шу билан бирга коррупцияга қарши экспертиза коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлаш, коррупция хусусиятига эга ҳавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш, лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолаш жараёнидан иборат бўлади. У ҳуқуқий экспертизанинг узвий қисми ҳисобланади.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.

Идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусияти шундаки, уларни ишлаб чиқувчи ва келгусида қўлловчи субъект айнан битта, яъни тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар бўлишидир. Муайян ҳужжатни қабул қилишда мазкур органлар ўзларига юқлатилган вазифаларни ва идораий манфаатларни инобатга олади. Муҳими шуки, бундай манфаатлар тор доирада қилиб кетмаслиги, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ҳуқуқларини чеклашмаслиги, амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсадлигига мувофиқ бўлиши лозим.

Мазкур масала бўйича Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти қабул қилинган бўлиб, унга кўра асосий коррупцион омиллар сифатида мансабдор шахсларга аниқ чегаралари белгиланмаган ваколатлар берилиши, фуқароларга бажарилиши қийин бўлган ёки оғирлаштирилган талабларнинг қўйилиши, ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларнинг мавжудлиги кўрсатилган.

Шу боис, қонун ҳужжатида фойдаланила-

диган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этиши лозим. Бу эса, матннинг лўнда, оддий ва раван тилда бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда, ҳуқуқий нормаларни турлича талқин қилиш оқибатида коррупциявий ҳуқуқбузарликка шароит юзага келади. Шунингдек, муддатларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлиги ҳамда белгиланган муддатни асоссиз равишда қўзиш ёки қисқартириш ҳам шулар жумласидан. Айниқса, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва ваколатларининг тартибга солилмаганлиги, уларни бажаришнинг процессуал тартибининг белгиланмаганлиги, аниқ механизмга эга бўлмаган нормаларнинг мавжудлиги яққол коррупциявий омиллардир. Бундай ҳолларда идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан рад этилади. Қисқа қилиб айтганда, коррупцияга қарши экспертиза лойиҳанинг матни ва тузилишидан тортиб, масаланинг ҳар томонлама ва изчил тартибга солиниши, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат кўп қиррали жараёндир.

Таъкидлаш мумкинки, коррупцияга қарши экспертиза мазкур иллатга қарши курашишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси бўлиб, у ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиш билан бирга ҳуқуқбузарликларни бар-тараф этишга ҳам ҳисса қўшади. Ҳозирги вақтда уни ўтказиш тартиби идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ва миллий аҳамиятини инобатга олиб, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг комплекс тарзда тартибга соладиган алоҳида қонун лойиҳаси қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, мазкур соҳада илғор хорижий тажриба ва амалиётни ўрганиш, уларнинг ўзини оқлаган мақбул жиҳатларини қабул қилишни долзарб масала қилиб қўяди.

Ойбек ХОКИМОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Бугунги кунда барчамиз мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг муҳим бурилиш даврида яшашганимиз, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами, уларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва энг муҳими ватандошларимиз кундалик турмушидаги ижобий ўзгаришлар орқали гувоҳи бўлмоқдамиз.

ИНСОН МАНФААТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз навбатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги туб ислохотлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабр кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасининг тақдим этилиши ҳам миллий истиқлол давридаги мислсиз ҳодиса бўлди. Жаҳоннинг кўплаб тараққий этган мамлакатларида мавжуд ушбу демократик амалиёт энди Ўзбекистонда ҳам қўлланила бошланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги юқорида зикр этилган муҳим ҳодисаларнинг мазмуни ва туб моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш ўз фуқаролик позициясига эга ҳар бир ватандошимиз зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ташаббуси билан пойтахтимиздаги бир қатор маҳалла фуқаролари йиғинларида академия тингловчилари ва маҳалла фаоллари иштирокида давра суҳбатлари ташкиллаштирилмоқда. Ана шундай давра суҳбатларидан бири Олмасор туманидаги "Ачаобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди. Унда Олмасор туманидаги "Ачаобод", "Гузарибоши" ва "Чимбой" маҳаллалари фаоллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад маҳалла фаоллари ва кенг халқ оmmasига юртимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга тақдим этилган Мурожаатномадан кўзланган мақсад ва режалар ҳақидаги маълумотларни тарғибот этишга қаратилди.

Жонли мулоқот тарзида ўтказилган давра суҳбати якунида маҳалла фаоллари томонидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдирилди. Берилган тақлифларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Шерзод МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Кадрлар тайёрлаш борасида янгича ёндашувлар амалиётга татбиқ этилаётгани ҳар бир соҳада ўз касбининг усталари ишлаши учун шароит яратиши шубҳасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада санъат, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрталари қатори ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилишига эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айнан шу мақсадда қабул қилинган.

Қарор асосида Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва пойтахтимизда академик лицейлари ташкил этилди.

2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи ҳамда Байқўрғон хизматлар соҳаси ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежи негизда очилган ИИВнинг академик лицейлари иш бошлаган эди. Мазкур лицейларга ҳар томонлама соғлом ва етук ёшлар ўқишга қабул қилинган.

Ички ишлар вазирлиги академиясида мазкур лицейларда таълим олаётган ёшлар учун "очиқ эшиклар кўни" ташкил этилди.

– Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим берилиши билан бирга юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ИИВнинг 1-сонли академик лицейи директори, подполковник Солижон Эрназаров. – Бу вазирлик тизимдаги олий таълим муассасасидаги кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлашга хизмат қилади.

Ўқувчилар академияда курсантларга яратилган шарт-шароитлар билан таниши бораборида бу даргоҳга ўқишга қабул қилиш шартлари билан ҳам таништирилди. Академиянинг тергов, тезкор-қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, эксперт-криминалистик, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмат фаолиятини психологик таъминлаш мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича маълумотлар берилди. Ёшларни қизиктирган саволларга академия масъул ходимлари томонидан жавоб берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, корхонанинг 11 та туман филиалларида замонавий видеокузатув мослашларини етказиб бериш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш ишлари юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси.

Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати: 10 кун.

Молиялаштириш: буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел.: 244-62-16, факс: 239-35-01.

E-mail: info@kadastr.uz.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат тақлифлари раҳбар имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 9.01.2018 йилдаги №42 сонли қарорига асосан Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 31.01.2008 йилда №003019-03 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти" (ИНН 202380391)

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади. Миробод тумани, А.Темур шох кўчаси, 3 "А"-уй.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУДИРЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Мамлакатимизда ўрта умумтаълим муассасаларида маърифий-тарбиявий ишларни изчил такомиллаштириш, педагогларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, тарбия жараёнига замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарор ижроси доирасида ташкил этилган уч кунлик семинарда 14 худуддан икки юз нафар туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари иштирок этди. Тадбирда ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион педагогик технологиялар, ўғил-қизларни касбга ихтисослаштириш, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари яратишга оид тарғибот-тушунтириш машғулоти олиб борилди.

Соҳада амалга оширилаётган изчил ишловлар замирида таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилаш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, бошлан-

гич таълим жараёнларини такомиллаштириш каби эзгу ғоялар мужассам.

Бундай саъй-ҳаракатлар, таълим муассасаларининг бугунги талабларга жавоб берадиган замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозланаётгани билимли, салоҳиятли, юксак интеллектуал қобилият соҳибларини тарбиялашда муҳим омил бўлаётди. Семинарда бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, соҳа ривожланишида, ёш авлод камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлган чораларни қўллаш юзасидан тавсиялар берилди.

Умумтаълим мактабларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида фаолият юритиши режалаштирилган "Муваффақият мактаби" тренинг-машғулоти, "Заковат" интеллектуал ўйини, "Мунозара" клуби, "Қизларжон" баркамол қизлар клубларини ташкил этиш юзасидан маълумотлар берилди.

Эришилаётган натижалар таҳлил этилиб, истиқболдаги ишлар режалаштирилди. Муваффақиятларга эришаётган мутахассисларнинг тажрибаси оммалаштирилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири



КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимизнинг ҳар бир туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Маҳалла китобсеварлари" адабий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Учтепа туманидаги Жўржоний маҳалла марказида бўлиб ўтди. Тадбирда филология фанлари номзоди Тўлқин Эшбек, педагогика фанлари номзоди, доцент Баходир Сунонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Муҳаммад Исмоил, ёш ижодкор Зоҳид Остон ва маҳалла фаоллари, 193-мактаб ўқувчилари, ёш китобсеварлар қатнашдилар. Иштирокчилар ўзларининг китоб ҳақидаги, унинг инсоният ҳаётидаги ўрни ҳақида кўнчақилик билан сўзлашдилар. Ҳақиқатдан ҳам китоб – тараққиёт бешигидир. Китоб – инсоният кашф этган энг буюк мўъжизалардан бири!

Тошкент шаҳридаги 505 та маҳалла фуқаролар йиғини идораларининг деярли барчасида кутубхоналар мавжудлиги қувонарли. Маҳалла боғчалари, китоб ўқишга қизиққан ёшларнинг барчаси кутубхоналарни севимли гўшага айлантиришмоқда. Бир сўз билан айтганда ўзларининг билимларини оширишмоқда, маънавий баркамол бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Китоб – тараққиёт ва улкан кашфиётлар қазини эканлигини англашмоқда.

– Бугунги кунда, интернет қанчалик буюк кашфиёт эканлигини англаб бораётган одам-

лар, китобнинг оммавийлашуви, бир пайтлар мана шундай катта шов-шувларга сабаб бўлганини яққолроқ англамоқдалар, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Муҳаммад Исмоил. — Аммо, яхши билиш кераки, интернетнинг, телевидениенинг, радионинг, театрнинг ҳам аввали – китобдир! Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам ёшларнинг китоб ўқиши, билимини ошириши, келажакда Ватанимиз, миллатимиз, жонажон Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб етиштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ва халқларар сиёсат йўли ана шундай хайрли ишларга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбир сўнггида ёшларнинг китоб бора-сидаги билимлари синовдан ўтказилиб, саволлар берилди. Саволларга тўғри жавоб берганларга билим манбаи бўлиши китоблар совға қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ИМКОНИАТ

Шу кунларда юртимиз умумтаълим мактабларида 9-10-синф ўқувчилари ўртасида фанлар олимпиадасининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг билим даражасини аниқлаш, умумтаълим фанларига қизиқишини янада ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили юқори синф ўқувчилари ўртасида фанлар олимпиадаси ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишча, 2017 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 19 та фан йўналишида олимпиаданинг дастлабки – мактаб босқичи ўтказилди. Унда юртимиз умумтаълим мактаблари 9-10-синфларининг 560 мингдан ортиқ ўқувчиси қатнашди. Аниқ кўларда олимпиаданинг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. 160 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри босқичи йўллари учун куч синаямоқда.

Ўқувчиларнинг ўз билим ва имкониятларини тўлақонли намоён этиши учун олимпиада ўтказилаётган умумтаълим мактабларининг аудиториялари талаб даражасида жиҳозланиб, зарур шароитлар яратилди. Хусусан, пойтахтимиздаги 61-умумтаълим мактаби мезбонлик қилаётган Яшнобод тумани босқичини оладиган бўлса, ўқув-лаборатория хоналари ҳамда зарур жиҳозларнинг шайлиги ўқувчиларга амалий синов жараёнида қулайлик яратмоқда. Унда Яшнобод туманидаги барча мактаблардан 700 нафарга яқин ўқувчи ўзаро баҳс олиб бормоқда.

Бўлиб ўтаётган фанлар олимпиадаси қатнашчилари биринчи кўни ёзма ва оғзаки тарзда синовдан ўтган бўлса, иккинчи кўни тест саволларига жавоб қайтарди. Уларнинг ишини ҳолисона баҳолаш, энг муносибларни аниқлаш учун малакали, тажрибали педагоглардан таркиб топан ҳакамлар ҳайъати шакллантирилган. Синовлар юқори савияда ўтиши учун барча шароит яратилди. Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Фанлар олимпиадасининг туман босқичида юқори кўрсаткич қайд этиб, 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар жорий йилнинг март ойида ўтказилаётган кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Н.УСМОНОВА

Божхона

АНТИҚА ЖЎНАТМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги 131-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, нумизматика ашёлари, яъни тарихий тангалар ҳам маданий бойликларга тааллуқли ашёлар тоифасига киритилган. Ушбу ҳужжатга кўра, хорижий фуқаролар ва бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган маданий бойликлар тегишли божхона ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

Яқинда мазкур тартибларга риоя қилмасдан туриб, тарихий аҳамиятга эга тангаларни почта жўнатмалари орқали республикамизга олиб киришга бўлган уришлар фойда этилди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бош почта" ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари Исроиел давлатидан Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи М.Бозоров номига божхонар почта жўнатмасини белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказишганида, жўнатмадаги буюмлар орасида оғирлиги 58 грдан ортиқ бўлган 9 донга турли тарихий тилла тангалар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бадий экспертлари ҳулосасига кўра, ўтган асрнинг бошларида чор Россияси ва Буюк Британияда зарб қилинган тангаларнинг қалбаки нусхалари эканлигини ҳамда аслик даражаси 750 ва 900 бўлган ушбу тилла тангаларнинг умумий қиймати салкам 16 млн. 700 минг сўмни ташкил қилар экан.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари Россия Федерациясидан пойтахтимизда истиқомат қилувчи Константин Тримасов номига юборилган почта жўнатмасида ҳам божхона декларациясида кўрсатилмаган 108 донга турли йилларга мансуб тангалар борлигини аниқлашди.

Экспертлар томонидан турли давлатларда зарб қилинган ушбу тангаларнинг 10 таси ўтган асрнинг ўрталарида зарб қилинган ва шу сабабли тарихий аҳамиятга эга эканлиги юзасидан ҳулоса қилинган.

Юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича ашёвий далил сифатида олинган тангалар Мировод тумани маъмурий ишлар бўйича суди қарорига асосан давлат эгалигига ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, Халқаро почта конвенцияси талаблари ҳамда республикамизда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, қimmatбахо металллардан ясалган буюмларни ва маданий бойликларни почта жўнатмалари орқали юборилиши тақиқланади.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати



кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 7-9 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 13 январь кун ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

варда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратибди, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига асосан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Жойлашган манзил (туман, кўча, уй рақамлари)	Бўли тугал (кв.м)	Шундан бино ва иншоот майдони (кв.м)	Ҳозирги кунда мулк эгаси
Чилонзор тумани					
1	биза	Тирасабод кўчаси, 22а-уй	3000	0	"Neylon Progress" МЧК
2	пак	Гавҳар кўчаси, 125-уй	2100	2100	"SANOATLOQA" МЧК
3	хавод худуди	Чорбоғ ва Барик кўчалари, 3-уй	16879	6696	"ELEKTROTEST" МЧК
4	омбор	Тирасабод кўчаси	1353	493	"JAMOL HOJI" ХФ
5	ишлаб чиқариш объект	Чорбоғ кўчаси, 9а-уй	4920,9	0	"PARMA-SERVIS" МЧК
6	ишлаб чиқариш ва маъмурий бино	Бунёд кўчаси	14485	3087	"KOMPRADOR" МЧК
7	ишлаб чиқариш ва омбор	Чорбоғ кўчаси, 42-уй	35800	1548	Адильов Жамолдин Давлатович
8	офис	Лутфий кўчаси, 7-уй	0	1086,8	"Flare Co" МЧК КК
9	салдо ва маъмурий хизмат	5-мавзе, Катторол кўчаси, 44 а-уй	0	746	Этмбердиев Бахтиёр Эргашевич
10	омборгона	8-мавзе, 7а-уй	0	382	Махмодов Ахат Арабжанович
11	опхона	8-мавзе, Катторол кўчаси, 13-уй	0	622	Тен Геннадий Владимирович
12	ишлаб чиқариш	6-мавзе, Чўпон ота кўчаси, 17/1-уй	0	277	"Navbahor sinov" МЧК
13	омборгона	9-мавзе, Катторол кўчаси, 2-уй	0	500	"ZAR-GRANT" МЧК
14	маъмурий бино	10-мавзе, 12-уй	2387	853	"Vaflo Norma" МЧК
15	маъмурий бино	12-мавзе, 16А-уй	0	788	Хатикова Н.М.
16	ишлаб чиқариш, омбор	12-мавзе, Катторол кўчаси	0	240	"Taksopark-Texizmat" МЧК
17	омбор	12-мавзе	0	615	"Issiqlik Quvvat Ta'miri" МЧК
18	маъмурий худуд	Гавҳар кўчаси, 122-уй	0	1000	"Shirin Lazzat" МЧК
19	кўи қаватли бино	Гавҳар кўчаси, 124-уй	0	1000	"Osioyo Asaka Model" МЧК
20	маъмурий бино	Сўғалли ота кўчаси, 5-уй	0	935	Савельев О.И.
21	омбор	Сўғалли ота кўчаси, 5-уй	0	2291	Никитин В.Ю.
22	бир қаватли бино	Катторол кўчаси, 16-мавзе	74	74	"ULUG'IM" МЧК
23	кўи қаватли бино	Гавҳар кўчаси, 124-уй	0	784	"Ametor Industries" МЧК қорғовил қорғовил
24	кўи қаватли бино	20-мавзе, Катта Хирмонтепа кўчаси, 19/4-уй	0	378	"Global Building Investments" МЧК
25	оқара	Бунёдор кўчаси, 100-уй	0	2600	"BARS INTERNATIONAL COMPANY" МЧК ХК
26	механика маркази	Мухомий кўчаси, 182-уй	0	2861	"ДОКТОР-СЕРВИС" МЧК
27	ишлаб чиқариш	Чилонзор кўчаси, 2-уй	0	5472	"RELEV AVTOMATIKA" АЖ

28	мактабга таълим муассасаси	Дўшанбод кўчаси, 4-тор кўчаси	9750	3891	БАХАБОВ БАШК
29	ишлаб чиқариш, омбор	Чорбоғ кўчаси, 50-уй	1360	499	"ALFA-TEKS TASHKENT" МЧК
30	кинотеатр	Чилонзор 3-мавзе, 53-уй	2094	1826	"KINOTON" МЧК
31	офис	А.Хўжаев кўчаси, 2-уй	7041	7041	"GLOBAL TRADE" МЧК
32	ишлаб чиқариш, омбор	Заранд 1-бек кўчаси	2278	776	"GARZAI UZAF JV" МЧК
33	кафе	Богистон кўчаси, 10-уй	1360	499	"DIPLOMAT SERVIS" МЧК
34	ишлаб чиқариш	Дилдор кўчаси, 71-уй	30500	23603	"Roison Home White Goods" КК
35	қурилиш тугалланмаган бино	Чорбоғ 1-тор кўчаси	8942	2468	"Onakchi" ХК
36	қурилиш тугалланмаган бино	Армасой ва Чўпон ота кўчалари қосишувиди	3022	1554	"Sherdor Tambo" МЧК
37	қурилиш тугалланмаган бино	К. Шарипов кўчаси, 11-уй	7684	3136	"Bengal Ta'minot" МЧК
38	қурилиш тугалланмаган бино	Армасой кўчаси, 7-уй	1416	770	"Las Vegas" МЧК
39	қурилиш тугалланмаган бино	Мухомий кўчаси, 178-уй	4399	6535	"Aksukent Biznes" МЧК
40	қурилиш тугалланмаган бино	Бунёдор шох кўчаси	8936	29907	"Muztang Progres" МЧК
41	қурилиш тугалланмаган бино	Бунёдор шох кўчаси, 122/1-уй	4825	2170	"Asal Shakar Nur" МЧК
42	қурилиш тугалланмаган бино	Мухомий кўчаси	927	700	"Visol Savdo" МЧК
43	қурилиш тугалланмаган бино	Армасой кўчаси	400	350	"TROPICANKA" МЧК
44	қурилиш тугалланмаган бино	Катторол кўчаси	1553	856	"A-To'lagan" МЧК
45	қурилиш тугалланмаган бино	4-мавзе, Катторол кўчаси, 28-уй	20031	19445	"Max shine" МЧК
46	қурилиш тугалланмаган бино	Катторол кўчаси, 73-уй	5403	2677	"Libinvest" МЧК КК
47	қурилиш тугалланмаган бино	Ислом Каримов кўчаси	12651	4013	"Artel Engineering" МЧК
48	қурилиш тугалланмаган бино	Бунёдор шох кўчаси, 29-уй	2988	2143	"Debyut" ИИЧК
49	омбор	Гавҳар кўчаси, 151-уй	0	400	Хамидов Рашид Сафарович ва Бекматов Азиз Азизович
50	омбор	Чорбоғ кўчаси, 276-уй	0	3900	"Toshmetroquillish" МЧК
ҲАМИ			218588,9	156587,8	

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ